

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ
«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

5210900 – «Дизайн» йўналиши бўйича
бакалавр диплом лойиҳа ишининг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мавзу: **ШАҲАР ПАРКИНИНГ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАШ**
ДИЗАЙН ЛОЙИҲАСИ

Битирувчи: _____ Махаматов Мухаммадсолих
(имзо, Ф.И.Ш.)

Раҳбар: _____ Добронравова Е.А
(имзо, Ф.И.Ш.)

Консультант: _____ Малицкая Т.В
(имзо, Ф.И.Ш.)

М У Н Д А Р И Ж А

бет:

1. Кириш.....
2. Архитектура қисми.....
3. Бадиий-дизайн.....
4. Атроф муҳит экологияси.....
5. Фойдаланилган адабиётлар.....
6. Илова.....

КИРИШ

Республикамиз мустақилликка эришгач, бошқа соҳалардаги каби боғ-парк қурилишининг миллий йўналишга, бу соҳадаги тарихий бой тажрибаларимизни чуқур ўрганиш ва аниқлашга, уларни қайта тиклашга, умуман, республикамизда миллий боғ-парк санъатини яратиш ва ривожантиришга катта еҳтиёж сезилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва туман марказларида аҳолининг дам олишига мўлжалланган истироҳат боғлари мавжуд. Уларнинг айримлари қайта таъмирланиб, янада кўркем кўриниши билан халққа хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги 322-сонли “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори бу соҳа ривожига давлат миқёсида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Ушбу қарорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон қарори билан тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, 2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларини босқичма-босқич реконструкция қилиш ва замонавий аттракционлар билан жиҳозлаш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш асосида аҳоли, айниқса болалар ва ўсмирлар, барча ёшларнинг маданий дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

маданият ва истироҳат боғларини янгидан ташкил этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш;

янги ташкил этиладиган маданият ва истироҳат боғларининг 3 типдаги намунавий лойиҳаларини тайёрлаш;

маданият ва истироҳат боғларини аҳолининг маданий дам олиши учун қулай ва кўркем жойларда жойлаштириш, манзарали дарахтлар ва ҳар хил гуллар экиш орқали боғнинг камида 50 фоиз умумий майдони сатҳида

кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

аттракционлар ва кўнгилочар ўйинлар қурилмаларининг ихчам, қулай ва замонавий турларини санитария ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳамда жамоат тартиби талабларига риоя қилган ҳолда ўрнатиш;

аҳоли, айниқса болалар ҳамда ўсмир ёшларнинг маданий дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида болаларнинг мўъжаз спорт майдончалари, аттракционлар, сув ҳавзалари, шунингдек, рақс ва кўчма цирк учун мўлжалланган майдончалар, амфитеатр, шинам ўриндиқлар ҳамда савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари барпо этиш каби асосий вазифалар белгилаб қўйилган.

Бу соҳада республикамиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида олиб борилаётган амалий ишлар кўлами жуда каттадир. Тошкентдаги Мустақиллик майдони ва ундаги Эзгулик аркаси, Мустақиллик монументи ва Бахтли она ҳайкали ҳамда “Хотира ва қадрият” хиёбонларидан бошланадиган Ўзбекистон замонавий боғ-парк санъати нафақат вилоятлардаги пойтахт шаҳарлар, балки кичик шаҳарлар ва қишлоқларимиз худудларини ҳам қамраб олмоқда. Умуман олганда, боғ-парк санъатини ривожлантиришга бўлган тизимли ёндашув давр талабига айланиб бормоқда. Чунки боғ-парк санъати инсониятнинг хайрли ва фойдали, кўҳна ва ҳамиша навқирон санъат турларидан биридир. У инсониятнинг энг қадимги даврларидан бошлаб шаклланган, тадрижий ривожланган ва такомиллашиб келган. Ҳар бир ўлка ва мамлакатнинг бу соҳадаги ўз тажрибалари, меъморий-бадий услублари, тартиб-қоидалари борки, уларни ўрганиш фойдадан ҳоли эмасдир.

Боғ-парк санъатининг сермазмун ва серфайз, бой тарихий тажрибалари билан танишиш, авваламбор, бўлажак меъморлар, ландшафт архитекторлари ва дизайнерлари, шаҳарсозлар, қолаверса боғбонлар ва экологлар учун ҳам жуда қизиқарлидир.

Инсонларнинг истироҳати, яъни рекреатция турларига қараб боғ-парклар ҳам турлича бўлган. Шартли равишда истироҳат турларини фаол

(актив) ва суст (пассив) гуруҳларга бўлиш мумкин. Тшунга мос равишда боғ-паркларнинг функционал йўналишлари ҳам турличадир.масалан, тинч дам олиш ва сайр қилиш боғлари ёки турли ўйинлар ва томошаларга мўлжалланган (аттракцион) боғ-парклар, спорт парклари, кўнгилочар боғлар ва ҳоказо.

Рекреатция боғларининг меъморий-режавий тузилиши, яъни асосий ғояси, истироҳат бинолари ва сув қурилмалари, ташқи ободонлаштириш жиҳозлари, бадий безаклар, тўшамаларни яратишда, боғ худудининг умумий ва алоҳида ландшафт ечимлари ва дизайнни ишлаб чиқишда меъморлар асосий ўринни эгалласа, меъморларга бу ишларни амалга оширишда, ўсимликларни танлашда ва экилган ўсимликларни парваришда боғбонлар яқиндан ёрдам берган. Шунинг учун ҳам истироҳат боғлари кўпчилик адабиётларда “меъморий боғлар” деб аталган. Юқорида келтирилган маълумотлар боғ-парк санъатининг ўзига хослигини ва уни қунт билан ўрганишни тақозо этади. Биз жаҳон боғ-парк санъати меросига доир барча маълумотларни биргина ўқув қўлланмасига сиғдира олиш имкониятига эга эмасмиз. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон Республикаси иссиқ субтропик иқлимда жойлашгани сабабли, биз учун иссиқ қуруқ иқлимли Шарқ халқларининг боғ-парклар яратиш тажрибалари алоҳида эътиборлидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бошқа соҳалардаги каби, боғ-истироҳатчилик санъатида ҳам унут бўлган ва топталган миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни ўрганиш ва аниқлаш, боғ-истироҳатчиликдаги илғор тарихий тажрибаларимизни амалиётга тадбиқ қилиш, уларни замонавий умумжаҳон тажрибалари билан мувофиқлаштириш каби долзарб вазифалар қўйилмоқдаки, булар бугунги кунда нафақат ландшафт архитекторлари ва меъморлар учун, балки шаҳарсозлар, экологлар, боғбонлар, дизайнерлар, муҳандислар учун ҳам долзарбдир.

Юртимизда барпо етилаётган санъат масканлари, галарейлар, кўрғазма заллари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, бадий ижодиёт марказлари

тасвирий санъатни исчил ривожлантириш, қобилиятли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб -қуватлаш, йигит-қизларни санъатнинг

Юксак намуналаридан баҳраманд этиш имконини бермоқда.

Айнипайтда Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган бундай мислсиз ишлар биз кўзлаган озод ва обод Ватан пойдеворининг тоборо мустаҳкамланиб бораётганининг далолатидир. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда баркамол авлод соғлом бола ғоясини комплекс тарзда амалга ошириш режасини ишлаб чиқиб ҳаётга изчил жорий етар еканмиз, она Ватанимиз тараққиёт тақдири кўп жиҳатдан ўқув даргоҳлари ва масканларида ҳал бўлишини амалда исботламоқда. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримов ижод ахлини тайёрлаш тизимини яхшилаш соҳасига алоҳида эътибор бермоқда. Меъморларни тайёрлаш мазмуни йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда,

Олий мақомда тайёрлаш иши бакалавр аввало ижодий шахсни тайёрлаш, унда ранг-баранг тасаввурларни шакллантириш, илм ахли даражасида меҳнат ва фикр юргизадиган инсонни вояга етказиш, шунингдек ишлаб чиқаришни бошқариш, мукамал масалаларни очишда, айниқса меъморий ва шахар қурилиши соҳасидаги вазифаларни тушунадиган мутахассислар тайёрлаш ҳозирги куннинг вазифаларидир.

Ёш ижодкор дизайнерларни тайёрлаш жамият ривожини билан ҳам боғлиқ. Бунда фан-техника, маданият, маънавият, ишлаб чиқариш маданияти, бадиий маданият шунингдек ишлаб чиқариш унумдорлигини ривожланиш меъёри билан боғлиқ.

Бадиий маданият мураккаб тизимдан иборат бўлиб, унда санъат турлари муҳим урин тутади. Санъатнинг айрим турларга булиниб кетганлиги узок давом этган тарихий тараққиёт ҳосиласи бўлиб, қадимда бадиий фаолият соҳаларига, турларга булинмаган эди.

Ёш ижодкор дизайнерларни вояга етказишда бадиий ечимларнинг янги услубларини куллаш, унга ижодий ёндошиш, бу жараёнда олий бадиий дизайн мактаб ёшлар учун зарур шарт шароитлар вужудга

Меъморларнинг жамиятдаги куп киррали меҳнат фаолияти, гоъвий асос, мафкурага суянмаган булса, мохияти камаяди, ундаги ижодий асос сусаяди, аклий ечим ва бадий ечим уртасида тафовут шаклланади.

Хозирча эстетик адабиётда дизайннинг ягона ҳаммабоп яхлит коидага айланган илмий таърифи яратилмаган. Лекин купчилик тадқиқотчилар дизайн бадий техник фаолият туридир, деб карашга мойилдирлар.

Дизайн мазкур тушунча маъносида бадий-техник фаолият мухитини яратишдир. Бадий техник фаолият мухити деганда дизайннинг узини эмас, унинг мохиятли асосини англаймиз. Дизайн амалиёти махсус илмий укув соҳаси булган техник эстетикани хаётга олиб кирди. инсон бадий техник фаолиятини хусусиятларини ва конунгиятларини очиб бериш техника эстетикаси дизайн вазифасидир.

Ўзбек амалий безак санъати турларининг кўплигидан келиб чиқадиган ўзига хос таълим ва тарбиявий имкониятларни диққат билан ўрганиш жуда кизиқарли натижалар беради ^

* Халқ амалий безак санъати анъаналари тарихда авлоддан-авлодга ўтиб келиш билан бирга тараққиётнинг янги сифатига эга бўлмоқда, бу жараён, айниқса ҳозирги қайта куриш даврида янада юқори самараларга эришув имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Безаш санъатининг ривожу жуда қадим замонлардан бошланиб, халқ ижодининг муҳим соҳасига айланган. У тасвирий санъат, бадий хунармандчилик соҳалари, бадий санъат, шунингдек халқ усталари, рассомлар, ҳайкалтарошлар дизайн усталари фаолияти билан узвий боғлиқ равишда ривожланади.

Инсон жуда қадим замонлардан бошлаб ўз моддий муҳитини безатиш иштиёқида нафосатга интилган. Одамлар бўйнига мунчоқ, бармоғига узук, кўлига билак узук тақиб ўзини безатган, кейинчалик кийим-кечак, турар жойларни кўкаламлаштиришга интилган. Шу тарзда асрлар мобайнида безаш санъати шаклланган.) Безаш санъати маҳсулотлари, асарлари, бинолар, кишилар, уларнинг моддий муҳитини, турмушда ишлатиладиган нарсаларни

безатишга, кўркамлаштиришга хизмат қилади, кишиларнинг моддий ва маънавий қизиқишларини ўзида мужассамлаштиради, турли тарихий даврларда ўша даврнинг бадиий йўналишлари, услублари (роман, гетика, барокко, классицизм, романтизм ва бошқалар) унга ўз таъсирини кўрсатади.

Безаш санъати асарлари кўпчиликнинг эътиборида бўлади, у жамиятнинг диди шаклланишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Жамоат, маъмурий бинолар, саройлар, томоша заллари, ресторан, чойхоналарда наққошлик, ўймакорликдан ташқари тасвирий санъат кўринишлари (деворий расм, мозаика, ҳайкалтарошлик асари, витраж ва бошқалар) безак вазифасини ўташ билан бир қаторда маълум ижтимоий ғояларни ҳам тарғиб қилади,

бўлган безаш санъати, бадиий лойиҳалашдан иборат бўлган дизайн.

Тарихий тадқиқот

1. Қадим ёдгорликлар меъморчилигида қўллаиилгаи иақшлар

Жаҳоннинг энг йирик санъат арбоблари монументал безаш санъати билан ҳам шуғулланганлар.(Леонардо да Винчи, Рафаэль, Микеланжело жамоат биноларида, саройларда ўлмас асарлар қолдирганлар).

Ўзбекистон худудида қадимдан йирик бинолар (сарой ва ибодатхоналар, кейинчалик масжид ва мадрасалар)га безак бериш санъати ривожланган. Халқ усталари (наққош, ўймакор ва х.з.) безаш санъати билан шуғулланган.

Тупроқ Қаъла, Вархша, Афросиёб, Болаликтепа ва бошқа ёдгорликлар, турли хилдаги кулоллик, кандакорлик, тўқимачилик каби амалий санъат турларида ана шу санъатнинг нодир намуналари сақланган.

Амир Темур ва темурийлар даври, ундан кейинги даврларда ҳам Безаш санъатига оид нодир ёдгорликлар яратилган,

20-асрларда Ўзбекистонда Безаш санъати янада ривожланди. Навоий ва Муқимий театрлари биноларининг фойе ва заллари, Тошкент метрополитени, Халқлар дўстлиги саройи ва бошқа иншоатлар безаклари бунга мисол бўла олади.

Айниқса мустақилликдан сўнг бу санъатнинг янги тараққиёт даври бошланди. Янги қурилаётган меъморий бинолар, маданий иншоотлар (ички ва ташқи томонлари) безаш санъатининг ютуқлари билан бунёд этилмоқда, безак хусусиятлари бўрттирилган турли ҳайкал ва рельефлар яратилмоқда.

Безаш санъатининг ҳайкалтарошлик тури асарлари маълум меъморий маданий маконни ёки табиий шароитни ҳисобга олган ҳолда бинонинг ташқариси ёки ичкарисини, шаҳар кўчалари, майдонлари, ҳиёбонларини безатади. Безак ҳайкалтарошлиги меъморий безаклар (атлантлар, маскороплар, кариатидалар) фавворалар учун ишланган ҳайкаллар, панжаралар, бадий безакли дарвозалар, бинонинг ички безакларига мармар, металл, чинни ва бошқа безакдан ишланган кичик шаклдаги ҳайкаллар киради. Асарлари меъморий ансамбль билан уйғунлашиб санъат асари

тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва демократия учун кураш воситаси сифатида хизмат қилмоқда.

Архитектура қисми

Ситуацион план

Лойиҳалаштирилган объект

Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи шаҳарнинг эски шаҳар қисми, Шайхонтохур туманида жойлашган. Унга яқин жойлашган: шимоли – ғарбдан – Тошкент миллий либос уйи, ғарбдан – Планетарий (боғ ҳудудида), жануб томондан – Цирк биноси.



Бош план
Мавжуд ҳолат

Боғ шимол, шимоли – шарқ ва ғарбдан – Абдулла Қодирий кўчаси, шарқдан – Ғафур Ғулом кўчаси, жануб томондан – Цирк ҳудуди билан чегараланган.

Марказий кириш қисмларининг бири Ғафур Ғулом ва Абдулла Қодирий кўчаларининг кесишиш жойида жойлашган, бошқа кириш қисми – Абдулла Қодирий кўчасига қараган. Чорсу бозори томонидан ҳам ўтиш имконияти бор. Боғ радиал – айланма шаклидаги, плиткали (бўлак) ва асфальт қопламали ҳиёбон ва йўлакчалар тармоғига эга, ҳамда кўкаламзорлаштириш, сув ва ёритиш тизимига эга. Ҳудудда қатор объектлар фаолият юритмоқда: планетарий, болалар ўйин майдончасидаги аттракционлар, спорт мажмуаси, ҳамда кичик архитектуравий шакллар – шийпон (айвонча), фаввора, курси (ўриндиқ, скамейка) ва ҳ.к.

Лойиҳа режаси Лойиҳавий ечим

Истироҳат боғининг лойиҳа ечими асосига ҳудуднинг мавжуд режалаштирилган ташкилий тизими олинган. Марказий айланадан радиал тарқалган асосий ҳиёбонларнинг йўналиши сақланган. Уларни жойлашишига баъзи ўзгартиришлар киритилган. Бу ишлаб чиқилган концепцияга жавоб берувчи лойиҳанинг янада динамик бўлишига имкон беради.

Ҳозирги кунда боғнинг учта асосий кириш қисми мавжуд, бу киришлар сақланиб қолади. Бундан ташқари, истироҳат боғининг ҳудудига Ғафур Ғулом номидаги метро томонидан кириш қисмини ўрнатиш мўлжалланмоқда. Спорт зонасига кириш қисми режалаштирилмоқда. Ҳар бир кириш портал билан безалган. Уларга яқин жойда қулай автомобильлар туриш жойи жойлаштирилади.

Истироҳат боғида маъмурий – маиший ҳудуд, туалет, ахлат йиғиш ҳудудларини лойиҳалаш кўзда тутилмоқда.

Истироҳат боғининг лойиҳасида максимал даражада геопластиканинг услублари билан тўлдирилган мавжуд микрорельеф кўлланилади.

Қайта тикланилаётган ҳудуднинг шимолий қисмида ҳозирги кунда ишлатилмаяпган ҳовузларни эксплуатацияга киритиш – болалар учун кичик аквапарк яратиш кўзда тутилган.

Истироҳат боғи ҳудудини шартли ҳолда иккига бўлиш мумкин: катталар ва болалар ҳудуди. Лекин катталарга болалигини эслаш, болалар

бир пасга катталар каби ҳаёт кечирishi учун ҳеч нарса ҳалақит қилмайди. Шунинг учун объектларни ёшга қараб бўлиш шартли ҳисобланади.

БИНОНИНГ КОНСТРУКЦИЯ КИСМИ

Архитектура функционалик ва яхлитлик, қулайлик ва чирой каби талаблар илан бир каторда техник умумийлик ва тежамкорлик талаблари қуйилади. Зиналар тугри таксимланганлиги, жихозлар ва муҳандислик асбоблари тугри жойлашганлиги, бинонинг қулайлигини оширади.

200 уринга мулжалланган ресторан икки каватдан иборат бўлиб, санитария хона ва эвакуация зиналари бор. Бинонинг биринчи каватида ёзги зал, фойе, ошхона зонаси, тарқатиш жойи, администрация жойлашган. Иккинчи каватида катта зал ва галерея жойлашган.

Умуман бино ер ости ва ер усти қисмларидан иборат бўлиб, улар биноларнинг асосий конструктив элементларида яъни пойдевор, девор, оралиқ ёпма, ёпма, парда деворлар, эшик ва деразалар, алоҳида зиналардан ташкил топади. Шунингдек пойдевор ҳам ер ости қисми бўлиб, у эса ўз навбатида юқоридан тушаётган юк оғирлигини қабул қилади ва асосга ўзатади.

Пойдеворлар - ер ости конструкциялари бўлиб, ўзидан юқорида турган конструкциялар оғирликларини қабул қилиб, грунтларга ўзатиб берувчи конструкциялардир. Пойдеворга юқоридан девор ва устунларнинг хусусий оғирлиги, пастдан эса заминнинг тескари босими таъсир этади. Иншоот замини деганда юқоридан тушаётган юкни қабул қиладиган ҳамда шу юк таъсирида кучланиш ва деформация ҳолатида бўладиган грунт массаси тушунилади. Замин қанча кам ва текис деформацияланса, унинг қурилиш сифатлари шунча юқори бўлади; иншоотда қўшимча кучланишлар шунча кам ҳосил бўлади.

Иншоот ва грунтга мос пойдевор танлаш лойиҳалаштиришнинг муҳим масалаларидан биридир. Замин ва пойдеворларнинг бир неча

вариантини техник иқтисодий анализ қилиш йўли билан унинг ишчи варианты қабул қилинади. Пойдеворлар етарли даражада мустаҳкам, пухта, совуққа ва ер ости сувларининг агрессив таъсирига чидамли бўлиши керак. Пойдеворнинг тархдаги ўлчамлари шундай олиними керакки, юқоридан тушаётган ҳисобий юклар таъсирида пойдевор остки сиртида ҳосил бўладиган ўртача босим, грунтга бериладиган босимдан ортиб кетмасин; пойдеворнинг чўкиши нормада кўрсатилган даражада бўлиши керак. Ҳар қандай пойдевор лойиҳасида иккита характерли текислик бўлади, иншоот таянувчи устки сирт (устки текислик) ҳамда грунт билан туташиб турувчи остки сирт (остки текислик). Пойдеворлар чуқурлиги, юк таъсирида ишлаш характери, конструктив шакли, материали, вазифаси ҳамда ишланиш услубига кўра бир неча турларга бўлинади. Чуқурлигига кўра саёз ва чуқур (ертўлали) пойдеворлар бўлади. Лойиҳа шаклига кўра алоҳида, яхлит лентасимон, массив, аралаш ва қозикли пойдеворлар бўлади.

Иморатларнинг катта ёки кичиклигига қараб, пойдеворларга тушадиган юкнинг вазни ҳам ҳар хил бўлади. Айни бир пайтда пойдевор заминидаги грунтнинг физик механик хоссалари ҳам турличадир. Шунинг учун ҳам пойдеворларнинг чуқурлиги бирдай бўлмайди. Пойдевор туби ер сиртига қанча яқин бўлса, у шунча арзон тушади, шу боисдан пойдеворларни юзароқ олишга ҳаракат қилинади.

Бироқ грунтнинг юқори қатламлари кўпинча заминга қўйиладиган талабларни қондира олмайди.

Юқори қатлам грунтлари, биринчидан, ўта сиқилувчан ва кучсиз бўлади, иккинчидан, ёғин сочин ҳамда ўсимликлар таъсирида ўз хажми ва мустаҳкамлигини мунтазам ўзгартириб туради.

Пойдеворнинг рационал чуқурлигини танлаш бинонинг лойиҳасига ва вазифасига, пойдеворга бериладиган юкнинг миқдorigа, қурилиш майдончасининг геологик ва гидрогеологик шароитига, шунингдек грунтнинг мўзлаш чуқурлигига боғлиқдир. Ана шу шароитларни ҳисобга олиб, пойдевор чуқурлиги бир неча вариантда ишлаб чиқилади ҳамда

иктисодий жиҳатдан энг тежамлиси қабул қилинади. Агар грунт кўпчийдиган (ҳажми кенгайдиган) бўлса, пойдевор чуқурлигини белгилашда грунтнинг мўзлаш ва эриш сатҳи ҳисобга олинади, чунки бундай грунтлар мўзлаганда кенгайди, эриганда чўкади. Пойдеворнинг туби мўзлаш доирасида бўлса, унга грунтнинг кенгайишидан ҳосил бўладиган босим кучи таъсир этади. Агар босим кучи пойдеворнинг грунтга берадиган босимидан катта бўлса, у ҳолда пойдевор нотекис кўтарилиши, грунт эриганда эса, нотекис чўкиши мумкин. Бу ҳол пойдевор мустаҳкамлигига салбий таъсир этади.

Козик оёкли пойдевор – асос тупроги, буш гурунт, буш силликловчан булган жойларда яхлит ва лентасимон пойдеворларни куриш ноиктисодий булган ҳолатларда ишлатилади. Козик оёкли пойдеворлар 2 та асосий элементлардан иборат:

1. Ерга кокиб киргизиладиган козиклар;
2. Уларни бирлаштириб турувчи роствердан иборат.

Бундай козиклар махсус механизм машиналар билан кокиб ёки вибрация йули била ерга маҳкамланади. Айрим ҳолларда олдиндин тайёрланган кудукка монолит ҳолатда бетонланиб козикларни жойлаштиришимиз мумкин.

Зиналар - қаватлар орасидаги алоқани амалга оширишга хизмат қилувчи асосий юк кўтарувчи конструкциялардир, бундан ташқари зиналар табиий офат, ёнғин ва авария вақтида кишиларни бинодан тез эвакуация қилиш хизматини бажариши керак.

Зиналар вазифасига қараб қуйидаги ҳилларга бўлинади:

- асосий ва ёрдамчи зиналар, қаватлар орасида кишиларнинг кундалик оммовий қатнови ва бинодан ташқарига чиқиш учун хизмат қиладиган зиналар.

- ёрдамчи зиналарга - ўт ўчиришда, авария вақтида фойдаланиладиган, чордоққа чиқиш ва ертўлага тушиш учун хизмат қиладиган зиналар киради.

Зиналар қия жойлашган маршлар, горизонтал супачалар ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тутқичлардан иборатдир.

Зина деворлари етарли даражада ўтга чидамли бўлган махсус хоналарда зина катакларидида қурилади. Бинодаги зиналарнинг сони, жойлашиши, ўлчамлари, қабул қилинган бинонинг архитектура-тархий ечимига, қаватлар сонига, одамлар харакати оқимининг шиддатига (интенсивлигига) бевосита боғлиқдир.

Зиналар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериш керак: мустаҳкамлик, ҳаракат ҳавсизлиги, ёнғиндан ҳавсизлик, ҳаракат вақтида толиқмаслик, гигиена, иқтисодий ва ҳ.к. Қаватлараро зиналардаги маршларнинг сонига кўра 1,2,3,4 маршли зиналар бўлади.

Зиналар материалига кўра: ёғоч, пўлат, темир-бетон, йиғмалик даражасига кўра: яхлит, йиғма, йиғма блокли бўлади.

Асосий зинапояларнинг баландлиги билан энининг ўлчамлари 1:2 да қабул қилинган, яъни 150 мм : 300 мм. Зина маршининг қиялик бурчаги $\alpha = 27^\circ$ ни ташкил қилади.

Зина маршининг қиялиги унинг эни унинг бинодаги ўрни ва бажарадиган вазифасига боғлиқ одатда горизонтал текисликда ўртача инсон қадамининг ўзунлиги 500-600 мм ташкил этади. Зинадан кўтарилиш қулай бўлиш учун зинапоя ўлчамлари кадам ўзунлигига тенглаштирилган яъни, зинапоя баландлиги (В) ва энининг (Э) ўлчамлари $\text{Э} = 2\text{В} = 300 \times 2 = 600$ ммни ташкил қилади.

Асосий зиналарнинг бир маршидаги зинапоялар сони 18дан ортиқ ва 3 тадан кам бўлмаслиги керак.

ПОЛЛАР

Қаватлараро ёпмалар устидан поллар ўрнатилади. Поллар асосан қўл кучи билан бажариладиган бинонинг ички горизонтал сатҳи ҳисобланади.

Поллар қўйидаги талабларга жавоб бериши керак: мустаҳкамлик ва чидамлилиқ, гигиеник, бадий, акустик ва ҳ.к.

Поллар қуйидаги хусусиятларига кўра классификацияланди.

- қаватлар сонига кўра: бир ёки кўп қаватли;

- материалларга кўра: Асфалт, бетон (яхлит ва плита шаклида), керамик, асфальт (яхлит ва плита шаклида) ва бошқа ҳил полларга бўлинади.

- акустик хусусиятларига кўра: яхлит яъни, бир таркибли кўп катламли полларга бўлинади.

ТОМЛАР ВА ТОМ ҚОПМАЛАРИ

Бинони устки қисмини ташқи муҳитдан томлар ва ёпма ҳимоя қилади.

Томлар шакли, нишабларнинг қандай қияликда бўлиши бинонинг тархдаги ўлчамларига ва кўринишига, том ёпмасининг материалига, сувни тушириш усулига, иқлим шароитига, техника-иқтисодий шароитларига ҳамда бино архитектурасига оид мулоҳазаларга боғлиқдир. Том ва том ёпмаларнинг шакли бир нишабли ва икки нишабли бўлади. Шунингдек тўрт нишабли, гумбазсимон кубба, конуссимон ва бошқа ҳил томлар ҳам бўлади.

Нишаблар горизонтал кесишиб конёк ҳосил қилади. Томлар икки нишабли бўлганда деворнинг юқори учбурчак қисми пештоқ (фронтон) деб аталади.

Нишабларнинг бир-бирини қия ҳолда кесиб ўтишидан туртиб чиққан бурчак қовурға (ребро) ёки ичкарига кирган бурчак ёндова ҳосил қилади. Бир томнинг ҳамма нишаблари, одатда, бир ҳил қияликда бўлиши керак.

Том ва ёпма томларнинг шакли имконият даражасида оддий бўлиши ва имкон борича ёндовасиз бўлиши керак, чунки ёндова томнинг мустаҳкам қисми ҳисобланади ва доимий текшириб, қараб туришни талаб қилади.

Том ва ёпма томлар нишабларининг қиялиги нишаб қиялиги билан горизонт орасидаги унинг горизонтал ҳолатига нисбати билан, яъни процентларда (%) ёки касрларда ифодаланган қиялик бурчагининг тангенси билан ўлчанади.

Том ва ёпма томлар қиялигига қараб икки гуруҳга бўлинади:

- қиялиги 5 % ва ундан ортиқ бўлган нишаб томлар;
- қиялиги Одан 5 % гача бўлган текис томлар.

Чордоқнинг баландлиги унинг ичида бемалол юриш имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўртача 1,6 м дан кам бўлиши мумкин эмас.

Том қуйидаги материаллардан ташкил топган.

1. Тўлқинсимон асбест цемент листлар.
2. Стропил устига тўшаладиган ёғоч хари (обрешётка).
3. 1 м кенглик бўйича намдан химоя қатлами – ташқи деворларнинг туташув контури бўйича битум мастика асосида тўшалган бир қатлам рубероид.
4. Цемент-қумли қоришма, қалинлиги - 30 мм.
5. Керамзитли шағал - солиштирма оғирлиги-600кг/м³, қалинлиги-180 мм.
6. Буғ қатлами – бир қават пергамин
7. Цемент-қумли қоришма, қалинлиги - 20 мм.
8. Темир-бетон чордоқ ёпмаси, қалинлиги - 220 мм.

ТАШҚИ ВА ИЧКИ ПАРДОЗЛАШ

Ички пардозлаш – техник ертўла поли бетондан қилинган, деворлари оҳақда оқланган. Техник ертўла поли иситилади. Қавалар оралиғидаги поллар товушдан ҳимояланган. Яшаш хоналари ва ошхона полларига линолеум тўшалган. Хожатхона ва ювиниш хоналари полига керамик

Ҳамма хоналарни пардозлаш юқори сифатли замонавий пардозлаш материалларидан амалга оширилади.

Ҳар қандай бино қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак:

- вазифасига мувофиқ, яъни бино қайси жараёнга мақсадга мувофиқланган бўлса у шу жараён талабига тулик жавоб бериши керак.

- техник томондан мувофиқлиги, яъни бино кишиларни ташқи таъсирлардан паст ёки юқори харорат, ёгингарчилик, шамол ва бошқалардан тула асраши, мустаҳкам ва устувор бўлиши, эксплуатация сифатларини ўзок

йил давомида саклаш керак

- бино куриниши меъморчилик ва бадийлик талабларига мос холда танлаш, унинг ташки экстерер ва ички интерьер куриниши чиройли, шинам, атроф-мухити билан уйгунлашган булиши керак.

- иктисодий жихатдан кулайлиги, бино ва иншоот курилишида мхнат сарфини камайтириш, курилиш материаллари хамда вақтни тежаш кўзда тутилган.

АНТИСЕЙСМИК ТАДБИРЛАР

Конструктив ечимлари амалдаги меъёр ва қоидалар, хажм-тархий ечимлар ва КМК 2.01.03.96 «Зилзилавий ҳудудларда курилиш» асосида қабул қилинган.

Ўзбекистон кескин континентал иклим шароитини инобатга олган холда замин тупрокларни чуқувчанлигини йукотиш учун ерни зичлаштирилади. Худуд сейсмик хисобланганлиги учун куйидаги зилзила бардошлик тадбирлари амалга оширилади:

- а) маркаси М ерни кутариш хусусияти 200 дан кам булмаган;
- б) сейсмик чоклар.

Каватлараро ёпмаларда сейсмик камарлар бикрлик диофрагмаси, мустахамлик диофрагмаси, монолит кисмлари М 200 дан кам булмаган бетон билан куйилиши керак. КМК, ШНК талабарига жавоб бериши керак.

БАДИЙ ДИЗАЙН КИСМИ

1991 – йил 31 – августда Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, бизнинг Республикамиз олдида кўп масалалар пайдо бўлди, улардан бири – бино (иншоот, иморат) ларни лойиҳалаштириш ва қуришда бой миллий тажриба, иқлим хусусият (шарт – шароит)лари ва регионнинг сейсмик даражаси, замонавий архитектура ва дизайннинг ривожланиш тамойиллари, янги технология (услугият) ва ашёларни инобатга олган ҳолда ноёб архитектуравий муҳит яратиш.

Ўзбекистонда сўнги йилларда муҳим ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Техник тараққиётнинг илдам ривожланиши дам олиш ва ишлаш вақтидан фойдали қўлланишга имкониятлар яратиб берди. Ривожланаётган ахборот воситалари бир жойдан бошқа жойга ўтишни тез ва осон қилишмоқда. Бу барча омиллар инсонларда ўзини шакли бўйича дифференцияланган бўш вақт пайдо бўлишига сабабчи бўлди.

И. А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” асарида:

Мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасини 2010 – йил 29 – декабридаги буйруғига биноан: “Маданият ва истироҳат боғларининг 2011 – 2015 йй моддий – техник асосини мустаҳкамлаш ва келгусида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш чоралари программаси” тасдиқланди.

Программа маданий ва истироҳат боғларини босқичма – босқич реконструкциясини кўзда тутиб, асосий мақсади аҳолининг маданий ҳордик чиқариши учун шароит яратишдир. Программа умуман 225 боғни қамраб олиб, улардан 77 янгидан қурилади, 105 реконструкция қилинади, 29 мукамал ремонт қилинади ва 14 пардоз ишлари олиб борилади. Ҳукумат ҳужжатида асосан, истироҳат боғлари аҳолига қулай ва кўркем жойларда жойлашиши керак, боғ ҳудудининг ярмига декоратив дарахт ва турли хил гуллар экилиши лозим.

Ҳамма (барча) истироҳат боғларида болалар майдончаси, ҳовуз, ҳамда рақсга тушиш учун майдонча, амфитеатр, қулай курси (ўриндик, скамейка)лар ва жамоат овқатланиш объектлари кўзда тутилиши керак.

Шунга биноан диплом мавзуси танланган.

Диплом ишининг мақсади

- мавжуд боғ асосида рекреацион (дам олиш) зонаси (худуди)нинг дизайнини ишлаб чиқиш, иқлим шароитларининг хусусиятларини, ўзбек миллатининг анъаналарини, шу билан биргаликда архитектура ва дизайндаги замонавий тамойилларни, қурилиш технологиялари ва ашёларини инобатга олган ҳолда фуқаролар дам олиши ва вақтни хуш ўтказишлари учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш.

Объект

- Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи

Диплом ишининг масаласи

- қайта тикланаётган (реконструкцияланаётган) объектнинг потенциални таҳлил қилиб, лойиҳавий ечим концепциясини шакллантириб, “Маданият ва истироҳат боғларининг 2011 – 2015 йй моддий – техник асосини мустаҳкамлаш ва келгусида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш чоралари программаси” талабларига жавоб берувчи лойиҳавий таклиф тақдим этиш.

Диплом иши мавзусининг чегараси ичида:

“Тошкент шаҳридаги истироҳат боғи худудини реконструкциясининг архитектуравий муҳит дизайни” истироҳат боғи ривожланишининг концепцияси ишлаб чиқилди ва алоҳида олинган боғ объектлари: асосий кириш қисми ва унга бириккан майдон ва фаввора, худудни кўздан кечириш имкониятини берадиган галереяли ресторан, анъанавий режалаштирилган боғ, истироҳат боғининг бошқа объектларини худудини бўлиш учун чор –

боғ шакллари, кичик шакллар ва арт объектлар лойиҳа таклифлари тақдим этилган.

Ўзбекистонда безаш санъати қадимдан мавжуд. Тарихий манбалар, кўлёзма китоблардаги маълумотларга кўра катта саройлар деворлари маҳобатли расмлар билан безатилган бўлиб, бу расмлар ҳам безак, ҳам тарғибот вазифасини бажарган. Ўрта асрларда ҳам Ўзбекистон худудида безаш санъати юксак тараққий этган. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа меъморлик ёдгорликларида шу санъат руҳи сақланган. Ўзбекистон безашсанъати усталари миллий анъаналарни ривожлантириб, замонавий безаш услубларидан самарали фойдаланишмоқда.

Гирих (форсча-муаммо, тугун, чигал) мураккаб ҳандасий нақш: меъморлик ва бадий ҳунармандликда кенг ишлатилади. Нақш асоси учбурчак, тўртбурчак, мурабба, айлана ва ёй шаклли тақсимлардан ташкил топади.

Ҳандасий жиҳатдан Гирихни таҳлил этиш, чизиб чиқиб, янги турларини ижод этиш ва махсус тайёргарлик ва маҳоратни талаб этади.

Гирихлар яратилиши даврида содда бўлиб, кейинчалик такомиллашиб, мураккаблашиб борган. Гирих қанча мураккаб мужассамотга эга бўлмасин, унинг қулай томони ҳам бор. Ҳар қандай Гирих такрорланувчи маълум бўлак (тақсим) ларига ажралади. Тақсимлар такрорланган сари гўзал, жозибадор бўлиб боради. Шу туфайли баъзи содда гирихлардан ташкил топган мураккаб гирихни қайта парчалаб, бир неча содда ва мустақил гирих яшаш, икки гирихни бир-бирига чатиштириб учинчи хил гирихни яратиш мумкин. Шаклларига қараб гирихлар турлича номланади, тақсим асосида 5 ва 10 қиррали юлдуз бўлса, 5 ва 10 қирра гирих паргар ёрдамида чизилган эгри чизиклардан ясалса “Паргари гирих” ва ҳ.к.

Сақланиб қолган меъморий обидалар, рўзғор буюмлари (барқаш, обдаста, лаган, сопол идишлар, гилам, палак ва б.), зардўзлик, китоб безакларида гирих нақши кўп учрайди.

Гирих мураккаб геометрик нақшларидан иборат бўлиб, у

Ўсимликсимон нақшлар билан бирга уйғунлашиб яхлит бир композиция тузишда катта аҳамиятга эгадир.

Эрамиздан аввалги III асрларда қурилган Тупроққаъла саройи хоналаридаги безакларда кўриш мумкин.

XIX асрда Хоразмда спиралсимон тузилишдаги нақшлар билан ёдгорликлар безатилган. Хоразм меъморчилигининг манзарали безакларида геометрик нақш кенг ўрин олган бўлиб, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига қараганда ўзига хосликка эга. Лекин улар жуда кам фарқ қилади. Айниқса, ўсимликсимон нақшлар спирал шаклида айланма ҳаракатчанлиши, динамиклиги билан фарқ қилади. Хоразмда “модохил”, “турупс”, “қалампир” шаклидаги нақш композициялари ва бошқалар кенг ўрин олган.

Хоразм ганч ўймакорлигининг нақш композицияси сўзанани эслатади, сирли кошин нақшларга қараганда ганч ўймакорлик, ёғоч ўймакорлик Хоразмда унча ривож топмаган бўлса-да, лекин ўзига хос хусусиятлари билан бошқа шаҳарларда ўйилган нақшлардан фарқ қилади.

Хоразм ўзининг қадимий ёдгорликлари билан жаҳонга машҳурдир. Хоразмдаги Исмоилхўжа минораси, Фахриддин Розий мақбараси, Жума масжиди ва тарихий обидалар ўрта аср Шарқ меъморчилиқ санъатининг гўзал намуналаридан биридир. Улар ўзининг соддалиги ва нақш мотивларнинг улуғворлиги билан дунёга донг таратган. Хивадаги тарихий обидаларнинг ҳар бири шаҳар меъморчилиқ ансамблининг тарихий қисми бўлса-да, аммо уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос такрорланмас санъат асаридир.

Наққошлиқ санъати тарихи

Сўрта Осиё наққошлиқ санъати қадимдан дунёга машҳур. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган мухташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар бизни ҳайратга солиб келмоқда. Миллий нақшларимиз бой мазмунга эга. Оддий қошиқ, лаган, қутича, сандиқ, уй-рўзғор буюмларидан тортиб турар-жой ва жамоат биноларининг девор ҳамда шифтларига солинган нақшлар инсонни ҳайратга

солади, уни ўйлантиради. Бу гўзал нақшлар ажойиб наққошлар томонидан яратилган бўлиб, асрлар давомида бунёд топди, ривожланди, меъморчилик ҳамда тасвирий санъат ривожи билан боғланган ҳолда такомиллашиб бордиГ) —

Нақш - арабча тасвир, гул деган маънони билдиради. Қуш, хайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа элементларни маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безакдир. Ганчкорлик, кандакорлик, каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш, тўқимачилик, панжаралар ва ҳоказоларда ҳар хил йўллар билан нақшлар ишланади. Маданиятнинг ривожланиши натижасида рассомлик ва наққошлик ажралиб чиқди ҳамда ривожланди. Ҳар хил археологик қазилмалар шуни кўрсатадики, наққошлик жаҳондаги барча халқларда қадимдан мавжуд эканлиги бизга маълум. Наққошлик ҳар бир давлатнинг ўзига хос муҳитига, географик ўрнига, ўлканинг ўсимлик дунёсига кўра ривож топди. Наққошлик ҳар бир давлатнинг, масалан ўзбек халқларининг нақшларига қарасак, анор, бодом гуллар, қалампир ва бошқаларни рамзий нақш тариқасида ишлатилганлигини кўрамиз. Европада барокко, котика, роман услублари ҳар хил даврларда ҳукмрон бўлди. Бу эса ўз-ўзидан наққошлик санъатини ривожланишига сабаб бўлди.

Композиция нима? Композиция — лотинча сўздан олинган бўлиб, тўқиш, бир-бирига маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш. Композиция ишлашда ритм, симметрия, ассимметрия, компоновка, даврий такрорланиш, марказ топиш, безакнинг динамиклиги, табиийлиги, чиройлилиги, пардозларнинг ва рангларнинг умумийлиги каби компонентларни ўз ичига олади. Композиция (жойлаштириш) - чизиш керак бўлган нақшни ёки бирор тасвирни қоғоз ганч фонер ёки бирор юзага тўғри жойлаштириш.

Симметрия - грекча сўздан олинган бўлиб, ўлчовларнинг бир-бирига муносиблиги.

Ритм - нақш элементини маълум масофада бир текисда такрорланиб

келиши бўлиб, нақшдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.

Ассимметрия - композицияда симметрия мувозанатини бузилиши.

Стилизация - табиатдаги ўсимлик, ҳайвон ва бошқаларнинг тасвири, ранги, шакли ва тузилишини бадиий усулда умумлаштириш.

Рангли ганч. Рангли ганчлар X асрлардан бошлаб ишлатила бошланган, XVI асрларга келиб Бухоро усталари ганч ўймакорлигида рангларни қўллашни жуда яхши билганлар. Рангли ганчлар биноларни ички қисмида айниқса кўп ишлатилган.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида намонларни бўяш жуда кўп қўлланилган.

Энг оддий принциплари бир-бирига мутаносиблик, уйғунлик, йўсин, усуллари ажойиб қайта-қайта такрорлашувидир. Халқ наққошлари нақшларнинг ҳар бир деталига алоҳида эътибор бериб унинг табиийлигини йўқотмаганлар, ҳар бир элемент устида пухта фикр юритганлар. Ҳар бир нақш негизида маълум рамзий маъно сингдирилган.

XI-XII асрларда Ўзбекистон территориясида археологик топилмалар шуни кўрсатадики, нақшлар ичида геометрик нақш кўп ишлатилган.

Гирих форсча чигал тугун деган маънони билдиради. Ҳандасий нақш - тўртбурчак, учбурчак ва бошқа элементлардан ташкил топган геометрик мураккаб нақш тури. Гирих тўгри, эгри ва аралаш чизиқларга бўйсундирилган бўлиб ўзига хос шартлиликка эга. Бу нақш турининг кенг тарқалиши безак санъатининг ривожланишига янгидан-янги имкониятлар очиб берди. Ўзбек маданиятининг ривожланишига бутун дунёга машҳур олимлар Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фирдавсий ва Рудакийлар етишиб чиққанлар. Темурийлар пойтахти хонлигида хунармандчилик юксак даражада ривожланди.

заллари монументал нақшлар билан безатилганлиги бизга маълум. У1-УII асрларда ибодатхоналар, қасрлар ва бойларнинг уйлари ўйма нақшлар ҳамда тасвирлар билан безатилган. Тантанали маросимларга мўлжалланган

хоналардаги дабдабали ажойиб нақш расмларни кўриб хайрон бўлади киши. Уларнинг бирини қарасангиз деворларида базму-жамшид ов, манзаралар ҳамда диний расмлар тасвирланган. Жонли маҳлуқлар қизил ва кўк ранглар билан бўяб тасвирланган. VI асрнинг охири VIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёни араблар босиб олиши натижасида қарор топган ислом дини ўзидан олдинги маданиятни илдизига болта урди. Янги дин ҳамда янги ғоя 'Ўрта Осиё тасвирий санъатига таъсирини ўтказди. Жонли мавжудотларни акс эттириш ман этилди.

Ислом дини талабларига бўйсуниб оқибатида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирлаш йўқолиб бориб наққошлик ривож топди. Араб ёзуви ўзлаштирилди. Натижада нақшлар билан унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бўлди. Араб ёзуви нақшлар билан бирга чизилди. Араб ёзуви ҳам безак ҳам дуо-афсунлар вазифасини бажарди. Хуллас, санъат ривожланмайди. Бунинг ҳисобига халқ амалий безак санъати наққошлик ҳисобига ривож топди.

IX-X асрларда Ўрта Осиёда наққошлик санъати авж олиб ривожланди. Архитектурада ғишт териб нақш солиш юксак даражада ривожланди, биноларнинг ички томонига ганч, ёғоч ўймакорликларини қўллаш юксак ривож топди. Айниқса мақбараларнинг пештоқлари девор ва равоқлар ганч- нақшлар билан жуда нафис безатилган. Нақшлар мураккаблашиб борди. Уларнинг янги нусхаларида рамзий тасвирлар, тимсол, дуо-афсунлар, тасбеҳ ва бошқалар нақадар мўллагини кўрамиз. Рамзий нақшлар дунёда содир бўлаётган воқеликлар тилакларни акс эттирган. Хар бир чизилган нақшда ўзига хос маъно бўлган. Чунончи ўсимликсимон нақш гулсапсарни олайлик, у осойишталик ва умр узоқлик тимсоли, “печак”, “ислимий” нақш бойлик ва фаровонликни, новда ва япроқлар эса тўкинчилик ҳамда баҳор чоғида уйғонишни билдиради. Нақш ўзбек маданиятининг ҳамма босқичларида

Наққошлик мактаблари

Хива, Қўқон, Бухоро хонликлари даврида халқ амалий санъати

усталари шу шаҳарларга йиғила бошладилар. XIX аср архитектура ёдгорликларини кузатсак, улар бир хил услубда ятарилганлигини кўрамиз. Чунки ўша вақтларда наққошлар иш ахтариб бошқа шаҳарларга борар эдилар ёки буюртма бўйича бошқа шаҳарларга бориб биноларни безатар эдилар. кўпинча Фарғона ва Бухоро наққошлари Самарқандга, Қўқон, Марғилон усталари Тошкентга келиб кўпгина биноларни безар эдилар. Бу эса наққошлик мактабларининг янада ривожланишига, ўзига хос композицияларнинг яратилишига, ранглар мажмуасининг янада бойишида жуда катта роль ўйнайди.

Фарғона наққошлик мактаби. Фарғона нақши Хўжанд, Марғилон, Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган, Чуст, Қува, Олтиариқ ва Риштон шаҳарларида вужудга келган услублардан иборат. XIX аср ва XX аср бошларига мансуб бўлган нақшлар кўплаб осори-атикаларда сақланиб қолган. Қўқондаги Мадалихон дахаси ва Дахман Шохон, Худоёрхон ўрдасидаги бошқа нақшлар ўзига хос кўринишга эга бўлса-да, Фарғона нақшларида кўпроқ Бухоро, Хива нақшларини таъсири бор. Хаттоки, рус нақшларининг услуби ҳам унда-мунда учраб туради. Фарғона нақшлари гирих, ўсимликсимон ва гулли гирих нақшларини безакларда қўллаганлар. композицияларнинг симметрияли бўлиш принципига амал қилганлар. У бошқа наққошлик мактабларидан нақшларининг табиатга жуда яқинлиги, эркин ишланиши, рангларининг контрастлилиги билан фарқланади. Булардан ташқари Фарғона нақшларида табиатдаги гул, барг, гунча ва бошқалардан тўғридан-тўғри фойдаланилган. Фарғона водийларидаги нақш композицияларининг табиатга жуда яқинлиги Тошкент, Хива ва Самарқанд нақшларидан ажралиб туради.

Тошкент наққошлик мактаби. Тошкент нақшлари унинг нафислиги ва рангларининг бир-бирига аста-секин ўтиши, аниқ бир колоритга қатъий риоя қилиши, геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг кўп ишлатилиши билан

Иккинчи боб. Ўзбекистон миллий орнамент безакларининг таҳлили ва замонавийлик билан алоқаси

2.1.Ўзбек миллий архитектурасининг ўзига хос безатилиши ўзбек биносининг ички қисмидаги ҳар бир меъморий қисми ўзига хос орнаментал безак типидан ташкил топган) Интеръер, яъни хона девори узунасига 3 қисмга бўлинган пастки қисми изора ўрта қисми тоға қисми фриз. Деворнинг ўрта қисми намоёнлар, манзаралар, катта-кичик нақшлар, унвонли ёзувлар ва бошқалар билан безатилган, Фриз қисмига ҳар хил геометрик ва ўсимликсимон нақшлар ишланган. Деворнинг тепа қисми билан шифт ўртасига ганчдан ишланган ажойиб карнизлар ишлатилган, бунишарафа деб юритилади. Шифтнинг ўртаси ўйиб ишланган ганчли куббалар билан безатилган, бунга ҳовузак деб айтилади. Бу ҳовузакларга ислимий ёки геометрик нақшлар ёки турунжлар ишлатилган. Хонанинг ҳовузакларча силлиқ қилиб вассажуфтлар ярим цилиндрсимон таёқчаларни ёнма-ён териб чиқиш натижасида тўлқинсимон юза ҳосил қилинган.

Ўзбек халқининг қаровсиз ётган маданият дурдоналари, тарихий ёдгорликларини сақлаш ва маданий меросни тўплашни давлатимиз ўз зиммасига олди. Маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти тузилди. Наққош усталар ҳам бошқа усталар қатори мачит, мадраса, турар жойларни, саройларни таъмирлашни бошлаб юбордилар. XX асрнинг ўрталарида наққошлик санъати янада ривож топди. Деворларга манзарали монументал тасвирнинг машҳур устаси Чингиз Ахмаров Шарқ миниатюрасининг энг яхши намуналаридан ҳамда Ўрта Осиё халқларининг бадиий меросидан илҳомланиб ажойиб деворий расмлар яратди. Ўзбек халқи икки минг йил давомида халқ амалий санъатининг шундай ажойиб намуналарини яратди ва яратиб келмоқда. Наққошлар ўзларининг юксак бадиий маҳорати ва назокати билан бугунги кунда ҳам кишиларни ҳайратага солмоқдалар ташриф буюрган саёҳатчилар ҳам жумхуриятимиздаги қадимий ёдгорликлар, бадиий дид билан ишланган нақшларни кўриб лол қолмоқдаларБухородаги Улуғбек мадрасаси ЮНЕСКО муҳофазасидаги Исмоил Сомоний мақбараси, Калон минораси, Самарқанддаги Шохи-Зинда мақбараси, Гўри Амир мақбараси, Шердор, Тилла-Қори мадрасалари ва бошқалар шарқнинг нодир гўзаллиги,

содаллиги ҳамда нақш мотивларининг улугворлиги билан кишиларни сеҳрлаб келмоқда. Юзлаб, минглаб халқ меъморларининг қавариқ кўллари билан яратилган ёдгорликларидаги жонли нақшлар худди табиатнинг гўзаллик оламини куйлаётгандек туюлади ва кишилар руҳиятига кўтаринки руҳ бағишлайди. Самарқанддаги асрлар давомида мусулмон шарқида донг таратган олий билим маскани Улуғбек мадрасасини томошо қилар эканмиз, улар таълим-тарбия мақсадида кўзлаб бунёд қилганлигини наққошлар беазаги орқали сезиш осон. Мадрасадаги безакларда бир-бирини кесиб ўтган беҳисоб чизиқлардан кўп бурчакли ва кўп қиррали юлдузлардан ташкил топган нақшлар худди коинотдаги чарақлаб турган нақшларни асрлар оша ҳикоя қилиб тургандай туюлади.

Нақшлар кўпинча яшил гаммада ишлатилади. Ўсимликсимон нақшлардан ойгул, пахта, боорта уч барг, шкуофта, баргли гул ва бошқа элементлар аниқ стиллаштирилган. Мураккаб геометрик нақшлар ишланади.

Хива наққошлик мактаби. Хива нақши Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Бухоро нақшидан тубдан фарқ қилади. Ранги жиҳатдан келсак, нақшларнинг умумий ранги кўпинча ҳаворанг колоритда ишланади. Ранглар кам ишлатилса-да, ўзига хос кўркамликка эга. Хива нақшида асосан зангори ва яшил ранглар жуда кўп ишлатилади. Хоразм нақшлари бутун юзани геометрик нақшлар билан тўлдириб, мовий ва яшил бўёқ беришни яхши кўрганлар. Композицияда нақшларнинг тузилишига қараганда асосан новда спиралсимон айланиб-айланиб мураккаб нақшлар ҳосил қилади.

Бухоро наққошлик мактаби. Бухоро нақши ҳамма нақшлардан нақш композицияларининг мураккаблиги, мукамаллиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бухоро нақшларида мураккаб гирихлар аниқ, пухта ўлчамда ишлатилиши ўсимликсимон нақшларнинг ўзига хос санъат билан ишлангани нақшнинг япроқ, мева, гул, барглар ритмига алоҳида эътибор берилиши билан фарқланади.

Самарқанд наққошлик мактаби. Самарқанд нақшлари Тошкент, Фарғона нақшларига ўхшаб кетади. Самарқанд нақшлари ўта гулдорлиги,

барг ва гулларининг бадиий ҳаракатчанлиги, жонлилиги билан фарқ қилади. Унда мураккаб гирихлар, Фарғона нақшларига ўсимликсимон нақшлари билан, аниқ бир ритмик такрорланувчан нақшлар композицияси билан Тошкент нақшларига ўхшаш. Аввал зангори ранг гаммасида кўп нақш бажарилган бўлса, ҳозир эса яшил ранг гаммасида кўпроқ нақшлар бажарилади. Самарқанд наққошлик мактабини яратишди.

Геометрик нақш. Ўрта Осиё санъати қадимдан машҳурдир. Ўтмишда ота-боболаримиз қурган мухташам бинолар ҳозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар ҳар бир томошабинни ҳайратга солиб келмоқда.

Маданий мерос ва юксак бадиийлик миллий анъанани ривожлантиришга ундан фойдаланиш, ундаги ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиий материал билан ишлаш, кишиларда айниқса, ёшларда кунт, чидам, қатъият, халқ амалий санъатининг қизиқарли, ўзига хос турларига дахлдор этиш мақсадга мувофиқдир.

Клуб, муассасалар қошида ўзбек халқ амалий безак санъати тўғаракларини ташкил этиш, кишиларни айниқса тўғарак қатнашчиларни сиёсий-ғоявий ва эстетик руҳда тарбиялашда гўзаллигини сеза бошлашга, санъат асарларини ўрганишга, улардан баҳра олишга, изланувчанлик, яратувчанлик қобилиятларини оширишга, амалий санъатига бўлган қизиқишларини кучайтириш, касб танлаш, кўникма ва дунёқарашни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Шундай экан, ўзбек халқи амалий безак санъати ва унинг турлари бўлмиш ганчкорлик, заргарлик, кулолчилик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа тўғаракларда тўғарак раҳбари барча имкониятларидан самарали фойдаланиб, ўз ишини режали ташкил этиш ва тарбиянинг ҳамма таркибий қисмларини комплекс амалга оширишга тўғараклар машғулотларининг самарадорлигини ошириш учун техника воситаларидан фойдаланиб, кинофильмлар, диафильмлар, слайдлар намойиш қилиш, илмий асосланган дастурлар тузиш, кўرғазмалар тайёрлаш, экскурсиялар, викториналар

танловлар ҳозирги замон педагогик психологиясининг илғор ютуқларига суянган ҳолда машғулотлар ўтказиш, ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий материаллардан фойдаланиш, кўрғазмалар ташкил этиш, кабинетларни жиҳозлаш таълим-тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал этиш учун, яъни таълимнинг тарбияловчи принципи, илмийлик принципи, мунтазамлик принципи ва кетма-кетлилик, активлик, кўрғазмалилик, ўқитишнинг қатнашувчилар кучига, ёшига мослиги ва бошқа принципларга риоя қилиш асосида аҳамият касб этади.

Ўзбек халқ амалий санъати ҳам санъат, ҳам ҳунар. У асрлар мобайнида ота-боболаримиз томонидан кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаб келинган.





Боғнинг кириш қисми ўзгача тарзда ҳал қилинган. Кириш қисмида 6 япроқли гул шаклида фаввора мавжуд бўлиб, унинг атроф ландшафт кўриниши ҳам шу услубда безатилган. Турли гуллар экилган, нақшли плиталар ётқизилган. Кириш дарвозаси ҳам умуман ўзгача кўринишда бўлиб, унинг ичи ҳам , усти ҳам нақшлар билан безатилган.









Беседка.

Боғда бир нечта беседка яъни дам олиш жойи мавжуд. Беседкада ҳам ўзимнинг миллий нақшлардан фойдаланилди. Ва бир нечта кўринишда:

- Биринчи кўриниши ёғочдан бўлиб , унинг айрим қисмларидан 5-6 та устун кўтариб туради ва бу устунлар жойлашган ерга чирмашиб ўсувчи ўсимликлар экилган бўлиб, бу ўсимликлар шакл бўйлаб ўсиб ажойиб кўриниш ҳосил қилади. Бунинг яна бир хусусияти бу ўсимликлар шаклнинг очик жойларини беркитиб атрофга салқинлик беради. Беседка ўртасида эса гуллар атрофида эса ўриндиқлар мавжуд.






- Иккинчи кўриниши ҳам худди шу услубда яъни саккиз қиррали юлдуз. Фақат бунда устун битта ўртада ва устун фаввора ўртасида жойлашган. Фаввора ва устун нақшлар билан безатилган. Беседка фаввора, устун ва ўриндиқларга чироклар жойлаштирилган бўлиб, кечки пайтда ўзгача кўриниш бахш этади.





Боғда 2 қаватли ресторан мавжуд . У замонавий услуб билан миллий услубни уйғунлаштирган ҳолда лойиҳаланган. Рестораннинг бир қисми очик ҳолатда ва унинг фасади нақшлар билан беаақ берилган.





Очиқ қисмида фаввора мавжуд. Фаввора ва унинг атрофидаги меҳмонлар ўтириб дам олишига ажратилган жой ҳам умумий кўринишга эга.





Атроф муҳит экологияси

Жахонда табиий ресурсларга эга бўлмаган мамлакат йўқдир. Ҳар қандай мамлакатнинг иқлим шароити, географик жойлашуви ва ундаги табиий бойликлар ўзига хосдир ҳамда такрорланмас жиҳатлари билан намоён бўлади. Шу туфайли ҳар бир давлат ўз қонунчилигида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш юзасидан тегишли нормаларни ўзининг шароитидан келиб чиқиб ишлаб чиқади.

Бу ҳолда давлат органлари, қандай усуллар орқали, қандай воситалар ёрдамида атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиши лозимлиги ана шу қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилади. Маълумки, табиий ресурслардан фойдаланувчилар бўлиб, давлат, юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Дастлабки икки субъектлар бу ресурслардан кенг миқёсда ва кўп ҳажмда фойдаланадилар (Жисмоний шахсларнинг улардан фойдаланишида кескин фарқлар мавжуд). Ҳаммамиз биламизки, табиий ресурслардан ҳар қандай мақсадларда ҳоҳ бу ижобий ёки салбий бўлсин бари бир бу табиий ресурсларга маълум бир даражада зарар етказилади. Шундан келиб чиққан ҳолда бу шахслар фойдаланишлари натижасида етказилган зарарнинг ўрнини иқтисодий томонидан қоплайдилар. Масалан, ушбу шахслар экология солиғи тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунига асосан, ноёб табиат комплекслари, табиат ёдгорликлари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фондини сақлаш, табиий жараёнларни ўрганиш, табиий муҳитнинг мониторингини амалга ошириш, аҳолини экологик жиҳатдан тарбиялаш ва табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган ҳудудлардан хўжалик

фойдаланишни чеклаш. Ушбу вазифалар ер ва сув кенгликларини устивор экологик, илмий, маданий, эстетик ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган қисмини муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Шунингдек, улар табиий объектларнинг айрим турларини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар йиғиндисини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудларга қонунда белгиланган тартибда давлат кўриқхоналари, давлат миллий боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, ва давлат буюртма кўриқхоналари мақоми берилади. Давлат кўриқхоналарининг вазифалари қуйидагилардан иборат: муҳофаза остига олинган табиат мажмуасини табиий ҳолатда асраш; илмий-тадқиқотлар ўтказиш; рўёбга чиқарилганда кўриқхоналар ва муҳофаза қилинаётган теграларнинг табиий мажмуасига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган хўжалик объектлари ва бошқа объектларнинг лойиҳалари, уларни жойлаштириш схемаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиш; табиатни муҳофаза қилиш соҳаларида илмий ходимлар ва мутахассислар таёрлашга ҳамкорлик қилиш; экологик билимларни тарғибот қилиш.

Илмий, техник, экологик ва бадиий билимларни ҳамда бу борада фан-техника тараққиёти натижасида эришилган ютуқларни табиатни муҳофаза қилишни маънавий жихатдан таъминлаш мақсадида жамоатчилик онгига сингдириш ва уларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан дунёқарашини ўзгартириш ҳамда бу вазифаларни амалий фаолият орқали бажариш учун фаоллигини ошириш мақсадида тарғиб қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу вазифани амалга ошириш нафақат муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда жойлашган табиий ресурсларни муҳофаза қилишга, балки барча табиий объектларни табиий ҳолатда сақлаб қолиш, уларни парвариш қилиш ва зарарли таъсир қиладиган ҳолатларга йўл қўймасликни назарда тутати. Бундай вазифани бажариш турли мавзуларда анжуманлар ўтказиш, илмий журналлар, услубий қўлланмалар нашр қилиш ва тарқатиш, радио ва

телевидинияларда табиатни муҳофаза қилиш юзасидан ҳар хил кўрсатувлар тайёрлаш, айниқса, бу ўринда жамият ҳаётининг экология соҳасидаги қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари ва манфаатларини биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашган фуқароларнинг эркин ихтиёрийлиги натижасида юзага келган ихтиёрий бирлашмаси бўлиб ҳисобланадиган жамоат бирлашмаларининг ролини ошириш лозимдир.

Бошқача айтганда ёшлар ва болалар ташкилотларини, илмий, маданий-маърифий жамиятларни, ижодий уюшмалар, жамғармалар ва бошқа жамоат бирлашмаларини ташкил қилиш ҳамда тегишли таълим муассасаларининг илмий ходимлари билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш керак. Бу бирлашмалар мамлакатимиз аҳолисига экология соҳасидаги билимларни етказиш, уларни мустаҳкамлаш, юқорида таъкидлаб ўтилган вазифаларнинг моҳиятини тушунтириш ишларини олиб бориш, халқаро жамоат бирлашмалари билан алоқа ўрнатиб, ҳамкорликда фаолият олиб борадиган бўлса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу билан бирга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ва улардаги барча табиат инъомларини муҳофаза қилиш бўйича қонун билан белгилаб бериладиган чора-тадбирларни амалга оширишни такомиллаштариш, бу ҳудудлар тасарруфидаги ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, бу соҳадаги давлат органлари томонидан бажариладиган вазифаларни янада аниқлаштириш ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал этиш мақсадида ҳар бир муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий мақомига мувофиқ равишда алоҳида қонунлар, яъни «Давлат қўриқхоналари тўғрисида», «Давлат табиат ёдгорликлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ернинг жамиятдаги аҳамияти беқиёсдир. Унда фуқаролар яшаши учун бинолар қурилади, турли маҳсулотлар етиштирилади. Инглиз иқтисодчиси Уильям Петтининг айтишича, «ер – бойликнинг онаси...».

Ердан асосий восита сифатида фойдаланишда унинг бир қанча хусусиятларини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

а) ер майдонининг чекланганлиги ва такрор ишлаб чиқарилмаслиги. Она замин табиатан чекланган, унинг майдонини инсон кенгайтира олмайди. Чунки у табиат маҳсули ҳисобланади. Бошқа асосий воситаларни, масалан, тракторларни, машиналарни талабни қондириш мақсадида хоҳлаганча ишлаб чиқариш мумкин;

б) ернинг табиат маҳсули эканлиги. Ерни табиат яратган. Шунинг учун унинг келажакдаги тақдири табиатга боғлиқ. Бошқа асосий воситалар, яъни бинолар, иншоотлар, комбайнлар, тракторлар инсон меҳнатининг маҳсулидир. Зарурият тутилганда улар инсон томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин. Ерни эса инсон ишлаб чиқара олмайди;

в) ер - қишлоқ хўжалигининг абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Республика ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда биздан олдинги авлодлар фойдаланган, ҳозирги даврда биз фойдаланмоқдамиз, келажакда эса авлодларимиз фойдаланади;

г) ерни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш имконияти чекланган. Ундан жойлашган маконида, яъни стационар ҳолатда оқилона фойдаланиш мумкин. Лекин машина ва тракторларни талаб этилган жойга олиб бориб, турли хилдаги ишларни амалга ошириш, бино-иншоотларни ҳам талаб этилган жойга қуриш мумкин;

д) ернинг юқори қатлами ҳисобланган тупроқ унумдорлигининг мавжудлиги, яхши қараш натижасида унинг ошиб бориши. Дарҳақиқат, тупроққа вақтида ишлов берилса, ўғитланса, унинг унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Лекин бошқа асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши оқибатида жисмоний жиҳатдан ишдан чиқади. Улар вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти натижасида маънавий жиҳатдан ҳам эскиради.

Лекин ерга эътибор берилса, ундан фан-техника ютуқларини жорий этган ҳолда оқилона, самарали фойдаланилса, унумдорлиги ошиб бориши мумкин. Аммо бу, унинг унумдорлиги чекланмаган, дегани эмас. Шундай экан, ернинг унумдорлигидан тадбиркорлик билан фойдаланиш мақсадга

мувофикдир.

Ҳаётда тупроқ унумдорлигининг куйидаги турлари мавжуд: табиий, сунъий ва иқтисодий унумдорлик. Тупроқнинг табиий унумдорлиги–табиат маҳсулидир. У табиатнинг таъсири натижасида узок йиллар мобайнида шаклланади. Унинг ҳолати куёш нури ҳамда ёнғинчилик миқдорига, шамол ва сувларнинг таъсирига боғлиқдир. Уларнинг ижобий таъсирида тупроқ табиий унумдорлиги яхши бўлади. Сунъий ва иқтисодий унумдорлик эса инсон меҳнати натижасида шакллантирилиб, оширилиши мумкин. Жумладан, меҳнат, маблағ сарфлаб, ерларнинг ирригацион, мелиоратив ҳолатини яхшилаб, уруқ экиб, уларни ўқитлаш, яхши сифатли ишлов бериш орқали тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги юксалтирилиши мумкин.

2002 йилнинг 1 январига республикамизнинг умумий ер майдони 44410,3 минг гектарни ташкил этган. Шу майдон фойдаланувчилар бўйича куйидагича тақсимланган.

Республикада жами ер фондининг 56,3 фоизидан қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари, 18,9 фоизидан эса ўрмон хўжалиги корхоналари фойдаланмоқдалар. Лекин 2002 йилнинг бошига улар фойдаланаётган ерлар саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ташкилотларига, аҳоли учун уй-жойлар, шаҳар хўжаликлари қурилишига ажратилиши муносабати билан 1999 йилдагига нисбатан 614,6 минг гектарга ёки 1,4 фоизга камайган. Бу жараён давом этаверади. Чунки келажакда ҳам республикамизда саноат, транспорт, алоқа тизими ривожланади. Аҳоли ўсиши натижасида уларнинг яхши яшаши учун қўшимча ер майдонлари ажратилаверади. Экологияни яхшилаш мақсадида табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш учун қўшимча майдонлар ажратилади. Бу ҳаёт талабидир.

Республика ер фондининг 7,2 фоизидан ҳозирги даврда юқоридаги мақсадларни ҳал этишда фойдаланилмоқда. Шунинг билан бирга келажакда мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш учун имкониятлар, жумладан, заҳирадаги ердан фойдаланиш имконияти мавжуд. Ҳозирги даврда шундай ерларнинг умумий майдони 7.5 млн. гектарга яқин. Бу жами

ер майдонининг 16.8 фоизини ташкил этади.

Республикамизда сув ресурслари манбалари чекланган. Уларнинг умумий миқдори 49,4 млрд. м³ атрофида бўлиши мумкин. Шундан 30,6 млрд. м³ ёки 61,9 фоизи йирик дарёларнинг сувидан, 16,5 млрд. м³ республика ҳудудидаги майда дарёларнинг сувларидан, қолган қисми эса ер ости ҳамда коллектор-зовурлардан олинадиган сувлардан иборат. Мавжуд сув ресурслари ҳозирги ўсиб бораётган талабни тўлиқ қондира олмайди. Шу сув ресурсларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлатилади. Сув ресурслари давлат муҳофазасида, мулкчилик шакллари бўйича тақсимланмаган.

Ер-сув умуммиллий бойликдир. Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида улардан оқилона ҳамда самарали фойдаланиш зарурлиги «Ер кодекси» да, «Сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда алоҳида таъкидланган. Республика ҳудудидаги барча корхоналар, фуқаролар бу қонуний талабни бажаришлари шарт. Шунинг учун улар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга, сувни ифлос қилмасликка, шунинг негизидан улардан талаб даражасида самарали фойдаланишга қатъий эътибор беришлари лозим. Шу маъсулиятни ҳис этган ҳолда қишлоқ хўжалик корхоналари уни ижобий ҳал этишга, фойдаланиш мумкин бўлган майдонлардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга интиломқдалар.

Бу ерда об-ҳаво жудаям яхши ва талабга жавоб бера олади чунки у ерда дарахтлар сони жуда кўп. Боғ мунтазам планлаштириш асосида қурилган. Асосий дарахтлари: терак, акация, шумтол, қора арча, қарағай, қора қарағай, тол, тут, дуб, чинор, арғувон, каштандан иборат.

Боғдаги эски дарахтлар ўрнига манзарали арча, дуб дарахтлари этказилди, суғориш тармоқлари кенгайтирилди. Сув ҳавзасида тиниқ ва зилол сувни таъминлаш мақсадида сув тинитиш мосламаси қуриб битказилди. Барча мавжуд дарахтлар ва кўкатларга ишлов берилиб суғорилмоқда. Кўлдаги сув ҳар қуни ўтлардан тозаланиб, ҳар ҳафта

лобаратория анализидан ўтказиб текширилади.

Дарахтларнинг кўпчилиги қариган, эскирган, сифатсиз. Буларни янада яхши парваришлаб суғорилиб туриш учун ҳар хил тадбирларқўшдим. Бу тадбирда боғга ташриф буюрган ҳар қандай меҳмон боғда жойлашган ҳар битта дарахтга сув қўйиб парваришлаши лозим, бу ҳафтада бир марта ўтказиладиган тадбирлардан бири.

Боғда ҳожатхона мавжд лекин канализацияга уланмаган, шу сабабли мен канализацияни шаҳарга ер ости орқали улаш лойиҳасини ҳам таклиф бердим.

Боғнинг ҳавоси тоза бўлиб туриши учун боғда энг асосийси урнарлар жойлашган бўлиши лозим. Келган меҳмонлар маиший чиқиндиларни ерга эмас, балки урнарларга ташлашлари учун урнарларни ҳар 50 метр оралиғида жойлаштириш керак. Маиший чиқинди қутиси боғдан узоқда темир панжара олдида жойлаштирилди, чунки келган меҳмонларга ҳиди ва боғ ҳудудига зарарли моддаси чиқмаслиги керак. Орқа томонда эса маиший чиқинди қутисини олиб кетадиган йўл қилинди.

Боғга 100 ўринли ресторан ва кафени қуришга таклиф бердим. Уларни оқова сувлари марказий канализация қувурларига чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев Т. XIX-XX асрларда ўзбек кандакорлиги. Т., “Фан” нашриёти. 1974 й.
2. Авазова Н.А. Тошкент ўймакорлиги. Т., Давлат бадий адабиётлар нашриёти. 1961 й.
3. Азимов И. Ўзбекистон нақшу-нигорлари. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987 й.
4. Алухтин О.К. Бадий нақш мактаби. Т., “Ўқитувчи”. 1969 й.
5. Ахроров И.А., Ремпель Л.И. Родной шук Афрасиаба. Т., Ғ.Ғулом нашриёти. 1971 й.
6. Багинский Н.М. Родное дерево Узбекистана. М., 1947 г.
7. Беда Г.В. Основы изобразительной грамоты М., «Молодая гвардия» 1978 г.
8. Боситхонов З. Ганчкорлик санъати. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978 й.
9. Веймаран Б.В. Архитектурно-декоративное искусство Узбекистана. М., 1948 г.
10. Денике Б.Д. Архитектурный орнамент Средней Азии. Л., Изд. Всесоюз. Акад. литературы 1939 г.
11. Засинкен В.Н. Архитектура Средней Азии. М., 1947 г.
12. Зоҳидов П.ш. Меъмор санъати. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978 й.
13. Мирзахмедов М. Материалларга бадий ишлов бериш. Т., “Ўқитувчи”. 1986 й.
14. Морозова М.И. Резьба по ганчу. Т., изд. Лит. и искусств им. Ғ.Ғуляма. 1968 г.
15. Прица И.М. Тошкент ганчкорлиги. Т., Адабиётлар нашриёти. 1960 й.
16. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Вмдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Т., Гос. Изд. Худ. лит.
17. Рахимов М.К. Художественная керамика Узбекистана. Т., Изд. Акад. Наук. Узб. 1961 г.
18. Рахимов М. Ёғоч ўймакорлик санъатидан қисқача методик қўлланма. Т., 1961 й.
19. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент. Узбекистан. Гос. Изд. Лит. Худ. Лит. 1961 г.
20. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Ташкент. Изд. Лит. и иск. им. Ғ.Ғуляма. 1981 г.
21. Сергеева Б. Мисгарлик. Т., Дав. Бад. адаб. нашр. 1960 й.
22. Усмонов М. Санъатим - саодатим. Т., Ёш гвардия, “Фан”. 1977 й.
23. Фахриддинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. Т., Изд. Лит. и иск. им. Ғ.Ғуляма. 1972 г.
24. Хворостов А.С. Чеканка. Инкрустация резьба по дереву. М., Просвещение. 1985 г.
25. Хворостов А.С. Деревянные узоры М., 1976

